

ФАРМАЦЕВТИКА ВА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДАГИ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни фармацевтика ва электротехника саноатида ишлаб чиқаришни янада қўллаб-қувватлаш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.



МАМЛАКАТИМИЗДА БУ ИККИ ТАРМОҚ УЧУН ҲАМ ЗАРУР ХОМАШЁ, ЕТАРЛИ ШАРОИТЛАР БОР. ХУСУСАН, ОХИРГИ ОЛТИ ЙИЛДА ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 3 БАРОБАР, ЭКСПОРТ 6 БАРОБАР КўПАЙГАН. 525 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК 177 ТА ЛОЙИҲА ИШГА ТУШИБ, ЖАМИ 50 МИНГТА ИШ ўРНИ ЯРАТИЛГАН.

Лекин бу ҳали мавжуд имконият ва талаб даражасида эмас. Масалан, юртимизда йилга 1,6 миллиард долларлик дори-дармон истеъмол қилинади. Бунда маҳаллий маҳсулотларимизнинг улуши бор-йўғи 18 фоиз, қолгани импорт ҳисобидан қопланаёпти.

Шу боис йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда бу соҳага катта қўмак ва маблағ берилди, фармацевтика зоналари ташкил этилди. Лекин бундан тўла фойдаланилмаёпти. Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, тадбиркорлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳсулотлари харидорлигини таъминлаш керак. Бунинг замирида қанча иш ўрни, қанча одамларнинг розилиги бор, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада хориж тажрибасини ўрганиш, машҳур брендларни мамлакатимизга жалб этиш муҳимлиги таъкидланди. Жумладан, энг кўп истеъмол қилинадиган 50 турдаги дори юртимизда ишлаб чиқариш орқали маҳаллийлаштириш улушини 35 фоизга етказиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

“Tashkent Pharma Park” кластери қурилишини жадаллаштириш, унга хусусий шерикни жалб этиш зарурлиги айтилди. Шунингдек, фармацевтика корхоналарига “GMP” халқаро стандартига ўтиш ва маркировкалаш тизимини йўлга қўйишда қўмаклашилади.

Умуман, бу соҳада 1,5 миллиард долларлик 173 та лойиҳа шакллантирилган. Уларни молиялаштириш учун 600 миллион доллар йўналтирилади.

Мутасаддилар буларнинг

натijasида 2024 йилда 400 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши, 160 миллион доллар экспорт таъминлиши бўйича ахборот берди. Йиғилишда электротехника саноатига доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сўнгги олти йилда бу соҳада 640 миллион долларлик 224 та лойиҳа ишга туширилган. Бу йил якунида экспорт 1 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, юртимизга йилига 800 миллион долларлик электротехника товарлари импорт бўлмоқда. Умуман олганда, минтақамизда 3 миллиард долларлик бозор бор.

Бунда муносиб ўрин эгаллаш учун нуфузли брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилди. Келгуси йилга мўлжалланган 2 миллиард долларлик 141 та лойиҳада бунга алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йилда 2 гигава

2024 йилда яна 4 гигава

Соҳада илғор технология, инновацияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион доллар йўналтирилиши белгиланди.

Мутасаддилар келгуси йилда ишлаб чиқаришни 20 фоизга ошириш, мисни қайта ишлаш ҳажмини 140 минг тоннага олиб чиқиш режаларини баён этди. Шунингдек, экспортни 1,5 миллиард долларга, 2025 йилда 2 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги қайд этилди.

Йиғилишда ушбу тармоқлардаги муаммо ва вазифалар юзасидан вилоят ҳокимлари ва тадбиркорларнинг таклифлари эшитилди.

ЎЗА



ЎРГАНИШ, ИЗЛАНИШ ВА НАТИЖА

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида ўқув семинарлари бошланди.

“Хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу ўқувлар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ишбилармонликка қизиқишлари, бизнес соҳасидаги билимлари, ташаббус ва ғоялари амалга оширишга қўмаклашишга қаратилган. Бир ой давом этадиган ушбу семинарлар катта ҳаётий ва амалий тажрибаларга эга тадбиркор, депутат, иқтисодиёт ва молия соҳасининг малакали мутахассислари томонидан олиб борилади.


Ёшлар ва хотин-қизларимиз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши, яратилаётган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиши зарур. Бошланғич фаолиятни йўлга қўйиш учун юридик шахс ёки тадбиркорлик субъек-

ти сифатида давлат рўйхатидан ўтиши, талаб қилинадиган бирламчи ҳужжатлар ҳақида маълумотга эга бўлиш керак. Иш бошлагач, банк, солиқ, божхона ва бошқа тегишли идоралар билан ўзаро муносабатга киришиш лаёқатига эга бўлиши фойдадан холи эмас. Ўқув жараёнларида мазкур муҳим шартлар ҳақида иштирокчилар тўлиқ таништирилади, малакалари ошириб борилади.

Ўрганганинг ўзинга, деганларидек, сабоқларни мукаммал ўзлаштирган ва улардан илҳомланган иштирокчилар келгусида тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйиб, халқимизга хизмат кўрсатишади. Инновацион ташаббусларини амалга оширишади. Оилавий бизнес кенгайди. Ушбу лойиҳани амалга оширишдан қўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида.

Ақром АЛИМОВ,
Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари

БУГУНГИ СОНДА:



ҚОИДАБУЗАРЛИК УЧУН
ЖАРИМА БАЛЛАРИ ҲИСОБЛанади...МИ?



ҲАРАКАТДАН ТўХТАМАЙДИГАН
ТАДБИРКОР ҲАҚИДА СўЗ



КАСАЛЛИКНИ ФАРМАЦЕВТ ЭМАС,
МУТАХАССИС ШИФОКОР ДАВОЛАЙДИ

XXI АСРНИНГ 24-ЙИЛИДА ҲАМ “XXI asr” БИЛАН БИРГА БўЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Обуна индекси – 406.
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.



ҚОИДАБУЗАРЛАРНИНГ ЖАРИМА БАЛЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда республикада ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш имконини берадиган яхлит ёнғин хавфсизлиги тизимини шакллантириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин-қутқарув тузилмалари томонидан 2022 йил давомида 3 994 нафар фуқаро фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлардан қутқарилиб, ҳаёти сақлаб қолинган.

Шу билан бирга, ёнғинлар профилактикаси соҳасида тизимли ишлар амалга оширилаётганига қарамай, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида нохуш ҳодисалар рўй бермоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бундай тоифадаги ҳуқуқбузарликларга доир ишларни кўриб чиқиш бўйича ягона ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволларни ўртага ташлашди ва қонун ташаббускорларидан

ушбу масалалар юзасидан изоҳ беришларини сўрадилар. Мутасаддилар депутатларнинг ҳар бир саволи бўйича асослантирилган тушунтиришлар бериб ўтишди.

Узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.



Актам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари,
O'zLiDeP фракцияси раҳбари:

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида кўплаб чора-тадбирлар кўриляпти. Шунга қарамай, айрим ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини бузишда давом этмоқда.

Бугунги кунда баъзи фуқаролар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан, белгиланган жазо турларига бепасандлик билан қаралаётганлиги натижасида, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда. Транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш билан ҳайдовчи ўзининг ҳаракатини англай олмаслиги оқибатида фожиали йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда. Энг ачинарлиси, транспорт воситалари эгалари маст ҳолатда юрган шахсларга ўз автомобилларини бошқаришга топширмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш, фуқароларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишлари ва қўпол қоидабузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадидан ишлаб чиқилган.



Баҳром РАҲМОНАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Ижтимоий тармоқларда кенг тарқалаётган транспорт воситалари билан боғлиқ "автопойга", "дрифт", "шахмат" шаклида ҳаракатланиш, йўл-патруль хизмати ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмаслик каби ҳаракатлар акс эттирилган видео лавҳалар кенг тарқалиб, ёшларимиз онгига салбий таъсир қилмоқда. Бу каби нохуш ҳаракатларнинг амкарияти бўйича жавобгарлик белгиланган асарида босиб йўл ҳаракати қоидаларини қасддан бузиш ва менсимаслик ҳолатлари тобора ортиб боришига имкон яратмоқда.

Қонун лойиҳаси билан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қўпол қоидабузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлган шахс томонидан такроран бошқариш учун жиноий жавобгарлигини белгилаш назарда тутилмоқда. Шунингдек, ҳайдовчилар томонидан доимий равишда қоидабузарлик содир этганлик учун жазо баллари ҳисоблаш тизимини жорий этиш белгиланмоқда.



Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Энг ачинарлиси, транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан ўқув жараёни ва якуний имтиҳонларда иштирок этмаган шахсларга ўқитмасдан ва ўргатмасдан сохта маълумотлар киритиш орқали таълимни битирганлик ҳақидаги ягона намунадаги гувоҳнома бериш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ҳар битта йўл-транспорт ҳодисаси ортида бир эмас, ўнлаб, керак бўлса юзлаб инсонлар тақдири ётибди. Агар барчамиз қонунларга, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилсак, ортиқча жарима тўлашга ҳожат ҳам қолмайди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса йўл ҳаракати иштирокчиларининг қоидаларга қатъий амал қилишларини таъминлаш ҳамда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.

Депутатлар лойиҳани янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш ва маромга етказиш бўйича кўплаб таклиф беришди. Ушбу таклифлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътиборга олинандиган бўлди.

Узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири

МУРОЖААТЛАР ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси, шунингдек, барча даражадаги вазирлик ва идоралар мансабдор шахсларининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш механизми яратилгани, ҳудудларда раҳбарлар билан жонли мулоқотлар, сайёр ва телефон орқали қабуллар, онлайн мурожаат ҳамда таклифлар қабул қилиш йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Бу эса халқ манфаатлари устуворлигини таъминлашга, муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигига умид ва ишонч уйғотмоқда.

Давлат идоралари мутасаддилари куйи тизимга тушиб, аҳоли эҳтиёжлари ва талаблари асосида ишлашни бошлагани ҳам бежиз эмас. Муҳими, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига кўтарилган долзарб масалаларнинг таҳлили ислохотларга асос бўлиб хизмат қилаётди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш борасида кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, янги таҳрирдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. "Ўзбекистон - 2030" стратегиясида халқ билан мулоқотни янада кенгайтириш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ мақсад ва вазифалар белгиланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига кўтарилган масалаларнинг ҳал этилаётганлиги ҳолати тўғрисида"ги ахбороти эшитилгани ҳам юқорида таъкидланган ахлит жараёнининг бир қисмидир. Зотан, унда аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг ҳозирги аҳоли вазирлик кесимида атрофлича муҳокама қилинди.

Юртимизда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сони **2018-2022** йиллар давомида сезиларли равишда кўпайиб, ҳозирда **200** тадан ортиқчи ташкил этмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида **86** та, бошқа ҳудудларда **113** та ОТМ мавжуд. Шундан давлатга қарашли ОТМлар сони **114** тани ташкил этса, нодавлат ва хорижий ОТМлар сони **87** тага етди.

Айни пайтда, табиийки, олий таълим билан қамраб олиш улуши ҳам ошиб борапти. Ҳисоб-китобларга кўра, ўтган олти йил ичида республикада ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошган. 2026 йилда бу кўрсаткич 50 фоизга етказилиши режалаштирилган.

Албатта, талабалар сонининг ортиши ижобий ҳолат бўлиб, бу инсон капиталини, яъни ҳар бир етуқ кадрнинг билим ва тажрибаси жамият, юрт равнақи ҳамда ривожига йўлда сарфланиши қувонарлидир. Шу билан бир қаторда ушбу соҳада мурожаатларнинг кўпайиши, улар билан ишлашнинг янги, тезкор ва инновацион усулларини амалиётга жорий этилишини талаб қилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида мурожаатларни интенсив кўриб чиқиш тизими йўлга қўйилган бўлиб, ишонч телефонлари ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида қонуний талабларга тўла риоя этилишини мониторинг қилиш бўйича мавжуд ҳолатни ҳафтада икки мартаба таҳлил этиш амалиёти йўлга қўйилган. Мурожаатларни ижобий ҳал этиш кўрсаткичининг ошириш ҳамда такрорийлигининг олдини олиш мақсадида уларни бевосита мурожаатчи иштирокида кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойида вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан жами 10 624 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг салмоқли қисми ижобий ҳал қилинган бўлса, айримларига ҳуқуқий маълумот берилган, 29 тасининг кўриб чиқилиши тугатилган, 4471 таси ҳудудий идораларга, 418 таси эса тегишли вазирликларга юборилган.

Бу борада мурожаатларнинг 50 фоиздан ортиқроқ қисмининг вазирлик марказий аппаратида эмас, балки жойига чиққан ҳолда кўриб чиқиш тизими жорий этилганлиги, уларни ҳойида ўрганиш учун зарурат бўлмаганда эса фуқаро билан телефон орқали боғланиб, барча саволларга тўлиқ жавоб берилаётганини қайд этиш лозим.

Фуқаролар томонидан энг кўп йўлланаётган масалалар ҳамда уларнинг ҳудудлар кесимидаги динамикасига кўра, вазирлик раҳбариятининг сайёр қабулларини ташкил этиш, тизимга оид муаммо, камчилик ва таклифларни тўғридан-тўғри вазирликка юбориш мақсадида очиқ мулоқот портали (taklif.edu.uz) ишга туширилган.

Аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида талабалар ўқишини хорижий мамлакатлардан кўчириш 62,8 фоизга, профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш ва тиклаш 38,9 фоизга, талабалар сафидан четлатилганидан норозилик 30,2 фоизга, талабалар стипендияси масаласи 29,1 фоизга, талабалар ўқишини республика ҳудудидан ички кўчириш эса 27,6 фоизга камайишига эришилгани ижобий ҳолат, албатта. Бироқ жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлаш уларнинг ҳар бирининг ортида инсон, унинг манфаатлари ҳар нарсадан устунлиги ва ажралмас ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи турганини, бу борадаги ишларни тўғри ташкил этиш долзарблигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Гулшана ХУДОЁРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.
Шаҳноза ҒАФФОРОВА,
Парламент тадқиқотлари институти
бўлим бошлиғи.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг кенгайтирилган йиғилишида "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилган ишлар" атрофлича қўриб чиқилиб, ушбу масалани халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш бўйича тегишли қарор қабул қилинган эди.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК МУАММОЛАРИ ЕЧИМЛАРИ

Орадан кўп ўтмай, вилоят кенгашининг 87-сессиясида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси, депутат Обиджон Ҳамидовнинг таъкидлашича, партия вакиллари томонидан ҳудудларда жамоатчилик назорати тартибиде ўрганишлар олиб борилганда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларига биноан аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилган. Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган қарори асосида вилоят бўйича 1,1 триллион сўм ажратилган бўлиб, 40 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Шу кунгача ўзлаштирилган 827,4 миллиард сўм имтиёзли кредит ҳисобига 34 мингта иш ўрни барпо этилган, жойларда касаначилик, хунаримандчилик, қишлоқ хўжалигининг бир қатор соҳаларида фуқаро-

лар бандлиги таъминлангани амалий натижасини бермоқда. Оилавий тадбиркорликни давр талаблари даражасида ривожлантириш йўлида ечимини кутиб қолган қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Баъзи маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ҳоким ёрдамчилари фаолиятида ишлаб чиқаришнинг қатор йўналишларини пухта билмаслик, ўз ҳудудини тўлиқ ўрганиб чиқмаганлик каби камчиликлар кўзга ташланди. Бу эса тадбиркорлик билан шуғулланиш истиғида бўлган оилаларга тавсиялар беришда ноаниқликларни келтириб чиқармоқда.

Фуқароларда ҳуқуқий саводхонлик пастиги, тадбиркорлик кўникмалари йўқлиги кредитлардан унумли фойдаланишга тўсқинлик қиляпти. Ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳалла раислари билан маслаҳатлашмаган ҳолда берилган тавсияномалардан ҳам қутилган натижа чиқмаяпти. Кредит-

ларни белгиланган муддатларда қайтаришда қийинчиликлар юзага келаётганига асосий сабаблардан бири ҳам шу. Тегишли дастурлар доирасида ажратилган кредитлар бўйича юзага келган муаммоли кредит қарздорлиги вилоят бўйича 53,9 миллиард сўм бўлиб, бу кредит портфели – 1,6 триллион сўмнинг 3,0 фоизини ташкил этади (1 сентябрь ҳолати).

Маҳаллий кенгаш депутатлари ва О'zLiDeP фаоллари зиммасида оилавий, шу жумладан, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигига эришиш бўйича алоҳида масъулият турибди. Ана шу масъулият теран англаб етилгандагина мазкур йўналишдаги ишларда қутилган натижаларга эришиш мумкин.

Асхор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

ҚАНЧА ГЕКТАР ЕР ҚАЙТА ФОЙДАЛАНИШГА КИРИТИЛДИ?

Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдан ташқари эшитишда ҳосилга яроқсиз ерларни қайта фойдаланишга кириштиш бўйича қилинаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Йиғилишдан олдин партиямиз депутатлари Тупроққалъа, Шовот ва Кўшкўпир туманларида ерларни ўзлаштириш ва қайта фойдаланишга кириштиш борасида қилинаётган ишларни жойига бориб кўрдилар. Ўрганишлар якунлари юзасидан вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси масъулларининг ахборотини тингладилар.

Ҳисоботда таъкидланганидек, Хоразм вилоятида ирригация ва мелiorация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан 2023 йилда 1400 гектар, 2024 йилда 3200 гектар майдонни қайта фойдаланишга киритиш режалаштирилган. Шундан фойдаланишдан чиққан суғориладиган майдонлар ҳисобидан Кўшкўпир туманида 250 гектар, Шовот туманида 150 гектар, Яйлов майдонларини ўзлаштириш ҳисобидан Тупроққалъа туманида 1000 гектар майдон қайта фойдаланишга киритилди.

Бугунги кунгача 800 гектар ер қайта фойдаланишга киритилган бўлиб, мазкур кўрсаткич Кўшкўпир ту-

манида 250, Шовот туманида 150 гектарни ташкил этади. Тупроққалъа туманида эса 400 гектар майдон фойдаланишга киритилган бўлиб, қолган ерларда ҳам изчил иш олиб борилмоқда.

Вилоятдаги коллектор бўйлариде қўшимча 200 гектар, шундан кластерларда 150 гектар, фермер хўжаликлариде 50 гектар, сув хўжалиги ташкилотлариде 50 гектар қўшимча ер майдонлари ўзлаштирилган.

Йиғилишда сўз олган Олий Мажлис Сенати аъзолари Умарбек Шарипов ва Фароғат Саъдуллаева глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги йилларда даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги ва ички ирригация тармоқларининг асосий қисми яроқсиз ҳолатга келганлиги суғориладиган экин ерларининг мелiorатив ҳолати ёмонлашишига ва йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетишига олиб келганлигини таъкидлашди.

Соҳа мутахассислари ирригация ва мелiorация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш бўйича қилинаётган ишлар хусусида ҳам тўлиқ маълумот беришди.

Сув тежовчи технологиялар-

ни жорий этиш орқали жорий йилда жами 40153 гектар ерга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, 3119 гектар пахта ва боғ майдонларида томчилатиб суғориш, 1323 гектар ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш, 35710 гектарда лазерли текислаш ишлари бажарилди. Натижада 300 млн.м³ сув ресурслари теҳалган ва 21 минг гектар майдоннинг мелiorатив ҳолати яхшилланган.

Келгуси йилда бу ишлар изчил давом эттирилиб, 6338 гектар пахта ва боғ майдонларида томчилатиб суғориш, 2000 гектар ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш, 28023 гектар майдонда лазерли текислаш ишлари амалга оширилиши мўлжалланган. Қишлоқ хўжалигида бу каби агротехник тадбирлар қўлами тобора кенгайтирилаётгани мавжуд имконият ҳамда воситалардан самарали фойдаланилаётганини англатади.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари кун тартибидеги масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг ҳисоботини қўнқарли деб топишди. Партиямиз вакиллари муҳокама этилган масалалар юзасидан доимий назорат қилиш мақсадида аниқ чора-тадбирларни белгилаб олдилар.

О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

"ЎЗБЕКИСТОН – 2030" СТРАТЕГИЯСИ

МУЛОҚОТ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: ЁШЛАР УЧУН МАДАД ВА РАВБАТ

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясидан ўрин олган беш йўналиш ва юз мақсад ижросини жорий йилда таъминлаш ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мақсадида шу йил сентябрда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан кичик ишчи гуруҳлар ташкил этилган эди.

Яқинда стратегиянинг ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини ошириш мақсадидаги вазифалар бўйича тузилган ишчи гуруҳнинг Рақамли технологиялар вазирлиги қошидаги IT паркда навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Партиямиз фаоллари ёшларга замонавий билим ва кўникмаларни ўргатиш, "Бир миллион дастурчи" лойиҳасини кенгайтириш орқали энг иқтидорлиларини танлаб олиб, халқаро нуфузли компаниялар талабларига мос дастурлар асосида халқаро IT бозорига тайёролашга аҳамият қаратиш йўналишида бажарилаётган ишлар бўйича тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг ҳисоботларини тингладилар.

Рақамли технологиялар вазирлигининг рақамли таълимни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи С. Бутановнинг сўзларига кўра, вазирлик томонидан "Бир миллион дастурчи" лойиҳасининг навбатдаги босқичида ёшларга code-seekers, компаниялар масъулари орқали АҚШнинг "Coursera" компанияси онлайн таълим ресурсларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Дастурлашга қизиқувчи йигит-қизлар учун албатта бу аjoyиб тўхфа. Чунки "Coursera" – маъсофавий таълимнинг улкан платформаси. Унда дунёнинг 275 та етакчи университети ва компанияларнинг (жумладан, "Google", "Amazon", "Meta", "Stanford", "Yale" ва бошқалар) 12 мингта профессионал таълим ресурси joyлаштирилган. 2023-2025 йилларда ушбу лойиҳа доирасида 1,2 млн. нафар йигит-қиз 8 та йўналишдаги онлайн курсларда бепул таълим оладилар. Эътиборлиси, айни парк томонидан барча контентдан фойдаланиш имкониятини берувчи жами 10 минг дона лицензия сотиб олиниши режалаштирилган бўлиб, шу кунгача 3,5 минг дона харид қилинган. Ҳозирда code-seekers.uz сайти орқали "Coursera" платформасида 314 минг ўқувчи таҳсил оляпти. 606 нафар ёш эса профессионал – пуллик курсларда ўқияпти.

Компьютер технологиялари соҳасидаги билимларини оширишни мақсад қилган навқирон авлод вакиллари моддий-молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани ҳам эътиборга молик. Курсларда таҳсил олаётган ёш муваффақиятли тамомлаган 15 мингдан ортиқ йигит-қизга компьютер харид қилиш учун базавий ҳисоблаш мик-



дорининг 25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди. Шунинг баробарида "Бир миллион дастурчи" доирасида ва IT паркиннг таълим резидентларида тегишли сертификатни қўлга кiritиш ёшларга компьютер хариди учун 7,5 млн сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг АКТни жорий этиш ва рақамлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Ш. Саидов мамлакатимизда ушбу соҳада олий таълим берадиган муассасалар сони 60 тадан ва уларда таҳсил олаётган талабалар сони 50 мингдан ортганини билдирди. Хусусан, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг 6 та филиали, Тошкент шаҳридаги Инҳа ва Амити университетлари томонидан 35 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича 29 мингдан ортиқ олий маълумотли кадрлар тайёрланяпти.

Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати бўлим бошлиғи Б. Синдоров ўз сўзида агентлик томонидан IT сертификатларини олишга сарфланадиган харажатларнинг 50 фоизини қоплашга имкон берувчи "IT истеъдод" портали ишга туширилганини, шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлар портали – pu.gov.uz орқали аризаларни қабул қилиш учун халқаро IT сертификатларини олиш ҳамда ўқиш харажатларининг 50 фоизга бўлган қисmini қоплаб бериш хизмати жорий этилганини қайд этди. Натижада ҳозирги кунгача халқаро IT сертификатини олиш дастурида қатнашган 735 нафар ёшнинг жами 1 млрд сўм дан ортиқ харажатлари қоплаб берилди.

Йиғилиш якунида ишчи гуруҳ аъзолари мазкур фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган

4 та аниқ ва асосли таклиф-тавсияни илгари сурди.

Биринчи, Рақамли технологиялар вазирлиги "Эл-юрт умиди" фонди билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали хорижий мамлакатларда IT йўналишида таълим олаётган талабалар ва меҳнат қилаётган ватандошлар билан алоқа ўрнатиши, уларни қўшимча қўллаб-қувватлаш тизимини яратиши зарур.

Иккинчи, "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида ажратилаётган маблағларнинг шаффоф етказилишини таъминлаш бўйича платформани янада такомиллаштириш талаб этилади. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан замонавий компьютер жамланмаларига ажратилдиган субсидияларни ўз вақтида ажратилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Учинчи, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими вазирликларининг "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси платформасига интеграция жараёни яқунларини амалга ошириш ҳамда мазкур вазирликларга платформа админлигини ажратиш чораларини белгилаш.

Тўртинчи, О'zLiDeP депутатлик гуруҳлари, Ёшлар парламенти аъзоларини жалб этган ҳолда Ягона интерактив давлат хизматлар порталини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш.

Бу каби истиқболли мақсадларни амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатлар изчил давом этаради.

Абдулла АСЛАНОВ,
О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари



Ёш сиёсатчилар фаоллик кўрсатишди

О'zLiDeP тарғибот ва ташвиқот тадбирларига ёшларни жалб этиш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиб беришга кўмаклашган ҳолда етакчилик кўникмаларини шакллантиришни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади.

"Ёш сиёсатчилар лигаси" лойиҳаси доирасидаги навбатдаги мулоқот ҳам шу мақсадда ташкил этилди. Учрашув давомида ўғил-қизларга лойиҳа ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, эртанинг эгаларига яратилаётган шароит ва қулайликлар хусусида сўзланди. Ўз навбатида илгга чанқоқ та-

лаба ёшларнинг ҳам саволлари кўп экан. Уларни энг кўп қизиқтирган масала ва ўйга солган муаммо – олий таълим муассасаларида талабалар турар-жойининг етишмаслигидир.

Мутахассислар қайд этишдики, мамлакатимизда ёш авлодининг таълим олиши учун 91 минг кишилик талабалар турар-жойи мавжуд. Аммо турар-жой учун эҳтиёж 210 минг нафарни ташкил қилади. Шу боис ижарада яшаётган илм эгаларига ижара тўловларини қоплаб бериш тизими яратилган, бу борадаги қонунчилигимизда бир қатор имтиёзлар мавжуд.

Отабек СОБИТОВ,
О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим mudiri,
ёшлар гуруҳи раҳбари

Ўтган йиллар шунчаки ўтмади...

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгашида сиёсий кучнинг 20 йиллигига бағишланган "Бу менинг партиям" номли тадбир бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Феруза Нигматова, партия вилоят кенгаши раиси Эркин Холматов, Ўзбекистон Қаҳрамонлари – Парда Зиятов, Анорбой Эшматов, 2003 йилдан ташаббускор гуруҳ аъзолари бўлган фахрийлар, маҳаллий кенгаш депутатлари иштирок этдилар.

Дастлаб кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар қисқача сарҳисоб қилинди. Таъкидланганидек, ўтган вақт давомида жамиятда партиянинг нуфузи ошиб, халқ ишончини қозонмоқда. Буни аъзолар сонининг йилдан йилга ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. "Янги авлод кадрлари", "Ёшлар билан", "Депутатнинг бир куни", "Депутат ва ёшлар учрашуви", "Тадбиркорлар мулоқот форуми" каби истиқболли лойиҳалар, "Ишбилармон аёл" кўрик-танлови жойларда омаллашиб улгурди.

Биргина мисол, 2016 йилдан буён

ўтказиб келинаётган "Ишбилармон аёл" кўрик танловида ғолибликни қўлга киритган "Лождувард асалари" МЧЖ раҳбари Муҳаббат Амонова, "Бунёд дур текс" МЧЖ раҳбари Фарид



Раҳмонова ҳамда "Холмўмин-Зоҳид" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Шарофат Нориевани вилоятимизда кўпчилик яхши таниди. Улар сафига жорий йилда Форш туманида фаолият юритиб келаётган яқка тартибдаги тадбиркор Лайло Илҳомова ҳам қўшилди.

"Диплом билан бизнесга" лойиҳаси эса 8 000 дан ортиқ ёшни қамраб



ланган эди. Бу каби ютуқ ва муваффақиятларни яна санаш мумкин.

Айни пайтда партиядошларимиз сафи тобора ошиб бормоқда. Дастлабки йили вилоят партия ташкилоти таркибида 1 062 нафар маслақдошни бирлаштирган 24 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 1 011 та дан ошди. Уларда 102 600 нафардан ортиқ партиядошларимиз бирлашган.

Яна бир мисол, маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган дастлабки сайловларда вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига сиёсий кучдан жами 72 нафар депутат сайланган эди. Айни пайтда маҳаллий кенгашларда 142 нафар O'zLiDeP аъзоси фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 26 нафари халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлариридир. Барчаси ўз ваколатлари доирасида вилоятимизда ислохотлар самарадорлигини ошириш, сайловчиларнинг қувончу ташвишига ҳамроҳ бўлиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни партиявий воситалар билан ҳал қилишда фаоллик кўрсатмоқда.

Жорий йил мисолида кўрайдиган бўлсак, ўтган вақтда маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан 800 дан ортиқ депутатлик сўровлари чиқарилгани, 110 дан ортиқ мутасаддининг ҳисоботи тинглангани, маҳаллий кенгаш сессияларига қирқдан ортиқ масала киритилгани ҳам халқ ноибларининг давр билан ҳамнафаслигини кўрсатади.

Аҳолининг партияга, депутатларга бўлган ишончини белгилайдиган омиллардан яна бири – уларнинг муносабатларига бўлган эътибордир. Шу кунгача бўлган 200 дан ортиқ мурожаатнинг аксарияти ўз ечимини топган бўлса, вақт талаб қиладигани назоратга олинган.

Тадбир сўнгига партия фахрийлари, депутатлар ва фаолларга O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг ташақкурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

O'zLiDeP ИШЧИ ГУРУҲИ



БУНЁДКОРЛИК, БОШ РЕЖА ВА

СИФАТ НАЗОРАТИ МУҲИМ

Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш марказининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан пойтахтимиздаги "Intercontinental hotel"да "Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш (60-мақсад) борасида белгиланган вазифалар бажарилишини муҳокама қилиш бўйича йиғилиш ўтказилди.

Тадбирни мазкур ташкилот ходимлари ҳамда тилга олинган йўналишдаги чора-тадбирлар амалга оширилишига қўмаклашши ва жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича тузилган O'zLiDeP ишчи гуруҳи аъзолари олиб бордилар.

Тақлиф қилинган масъул вазирлик ва идоралар вакиллари вазифаларнинг бажарилиши бўйича атрофлича маълумот бердилар.

Хусусан, Самарқанд ва Наманган шаҳарларининг "миллионлик шаҳарлар"га айлантириш бўйича ишлар жадал суръатда олиб борилляпти. Олий Мажлис Сенатининг "Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳрининг Давлатобод тумани, шунингдек Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Самарқанд шаҳри бўйича "Самарқанд вилоятининг Окдарё, Пастдарғом, Самарқанд, Тойлоқ туманлари ҳамда Самарқанд шаҳри таркибида Қорасув, Сугдиёна, Сиёб, Боғишамол, Мароканд туманларини ташкил қилиш ҳамда Самарқанд туманини тугатиш тўғрисида"ги қарорлари лойиҳалари ишлаб чиқилиб, кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси ва Сенатга тақдим этилган.

Шунингдек, ҳудудларни ривожлантиришнинг бош режаларини

ишлаб чиқиш бўйича Туркия, Нидерландия, Беларусь давлатларининг етакчи корхоналари билан қиймати 256 млрд сўмлик шартномалар имзоланди. Шу йили 90 923 та хонадонли 2 012 та курилажак уйларнинг манзилли рўйхати шакллантирилгани ҳам диққатга молик.

Бугунги кунга қадар "Янги Ўзбекистон" массивларида 6 минг 157 та хонадонли 221 та уй-жой, уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда 18 минг 244 та хонадонли 389 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Таъкидланганидек, барпо этилаётган кўп қаватли уйларнинг қаватлиги 5 қаватли ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 7 қаватга тўғри келмоқда. Аҳоли ижтимоий шароити таҳлили одамларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш бугунги куннинг асосий талаби эканини кўрсатаяпти.

Жорий йил давомида 32 146 та курилиш объекти рўйхатдан ўтган бўлиб, уларда 55 321 маротаба назорат ишлари амалга оширилган. Худудий курилиш назорати инспекциялари томонидан 51 минг 912 та ёзма кўрсатмалар берилиб, 35 минг 992 таси бартараф этилган.

Курилишда аниқланган қонунбузилишлар натижасида 4 минг 918 нафар (шундан 1 215 та пудратчи, 3 105 та буюртмачи ва 598 та лойиҳа ташкилотлари) мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилган. 1 257 та объектда курилиш-монтаж ишлари тўхтатилиб, 395 тасида буздириш ишлари олиб борилган.

Йиғилиш қатнашчилари қайд этганидек, курилиш ишлари ҳажмининг ошиб бориши билан қонунбузарликлар олдини олиш, сифатли объектларни барпо этиш, қурилган биноларнинг инсонлар учун хавфсиз бўлишини таъминлаш масалалари тобора долзарблашиб боради.

Тадбир якунида партиямиз фаоллари вазирлик ва идоралар билан биргаликда курилиш соҳасида сифат ва хавфсизликни таъминлаш, аҳоли учун арзон уй-жойлар барпо этилишида узлуксиз жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва бошқа ишларни ҳамкорликда ташкил қилишга келишиб олишди.

Бахтиёр РУҲИДДИНОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлими мудири,
ишчи гуруҳ раҳбари

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Хоразм вилоятида ҳам тобора ривожланмоқда. Ишбилармонларга турли имтиёзлар, қулайликлар яратилиши натижасида уларнинг сафи янада кенгаймоқда. Бу эса фаолиятни самарали ташкил этиш ва янги иш ўринларини яратишда қўл келаётир.

ҲАРАКАТДАН ТЎХТАМАЙДИГАН ТАДБИРКОР

Ижтимоий-иқтисодий соҳалар тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, эл-юрт хурматига сазовор бўлган ана шундай тадбиркорлардан бири "Мини аккумулятор" масъулияти чекланган жамияти директори Арслон Қаландаровдир.

– Дастлабки фаолиятимни 1992 йилда бошлаганман, – дейди у биз билан суҳбатда. – Бизнес лойиҳамни шакллантириш жараёнида, энг аввало, бозорталаб истемол маҳсулотларини ҳар томонлама ўргандим. Тадбиркорлик тармоқлари бўйича режаларим, лойиҳаларим кўп эди. Ана шулардан бири қишлоқ хўжалиги техникалари ва автотранспорт воситалари учун турли марқада аккумулятор моноблокларини ишлаб чиқариш борасидаги ишларга муносиб ҳисса қўшиб эди.

Мазкур МЧЖ тўрт нафар ходим билан иш бошлаган эди. Тадбиркор йиллар давомида фаолиятини такомиллаштириш йўлида изланди. Муттасил равишда қўриб борилган чора-тадбирлар натижасида эндиликда "Мини аккумулятор" мамлакат миқёсида таниқли корхонага айланган. Жамият асосан "Жиззах аккумулятор заводи" АЖга моноблоклар етказиб бериш билан шуғулланади. 2007 йилда жамият "Жиззах аккумулятор заводи" АЖнинг аккумулятор моноблокларга бўлган эҳтиёжининг 30 фоизини қондирган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 80 фоиздан ошган.

Жамият раҳбари Арслон Қаландаров ишининг кўзини билувчи, янгиланган интилишдан тўхтамайдиган тадбиркор. 2012 йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида Хитой Халқ Республикасидан янги дастгоҳлар олиб келганди. Бунинг натижасида йиллик аккумулятор моноблоклари ишлаб чиқариш қуввати икки баробар кўпайди. Натижада 10 нафар коллеж

битурувчиси иш билан таъминланди. 2013 йилда эса янги дизайнли пресс қолиплар сотиб олинди.

Эндиликда эса бу жамиятнинг Ўзбекистон автосаноатида ўз ўрни бор. 2016 йилда 468 600 комплект моноблок ишлаб чиқарилган бўлса, 2019 йилнинг 11 ойида 547 800 комплект моноблок ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди.

Бозор талабларини ўрганган ҳолда, фаолиятни такомиллаштириш чоралари узлуксиз равишда қўриб боришмоқда. Корхона даромадлари ва банк кредит маблағлари ҳисобига полипропилендан иссиқ ва совуқ сув учун трубалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани туфайли иш ўринлари сони янада кўпайди.

Мана, қарийб беш йилки, Ҳазорасп туманида фаолият кўрсатаётган DazAutoMotors АЖ корхонасига "Дамас" ва "Лабо" автомобиллари учун 4 та детал етказиб беришмоқда. Хуллас, МЧЖ фаолияти тобора такомиллашиб, автомобилларни сиқилган газ билан тўлдириш компрессор станцияси ишга туширилди ва 25 та янги иш ўрни яратилди.

Тадбиркор 2001 йил "Меҳнат шухрати" ордени, 2000 йил Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказиладиган "Ташаббус-2000" кўрик-танлови ғолиби бўлган. 2019 йилда эса "Дустлик" ордени билан тақдирланди.

Бундан 20 йил олдин юртимизда тадбиркорлар қатлами шаклланиши асносида уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, эмин-эркин фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар яратиб берадиган, буларни кафолатлайдиган қонунлар ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қиладиган сиёсий кучга эҳтиёж бор эди. Модомики, O'zLiDeP ташкил этилганда Арслон Қаландаров биринчилардан бўлиб партияга аъзо бўлгани кўпчилигининг ёдида. Ушбу сиёсий

кучни тузиш ташаббускорлари сафидан у йиллар давомида ишонч билан олға интилди.

– Партиямиз ташкил этилганига 20 йил тўлган бўлса, ўтган вақт фақат юксалиш ва ривожланиш даври бўлди, – дейди Арслон ака. – Жиддий синовлардан ўтган O'zLiDeP ўзининг сайловолди дастурида биринчи ўринда хусусий мулкни, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, давлат мулкни босқичма-босқич хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратилиши асосий мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини кiritиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини кескин камайитириш, мулкдорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланши борасида ижобий ишларни амалга оширди.

Қаҳрамонимиз Халқ депутatlари Хоразм вилоят кенгаши депутати бўлиб ҳам фаолият юритди. Партиямиздан сайланган вакил сифатида вилоят миқёсида амалга оширилаётган ислохотларни электротат орасида тарғиб-ташвиқ қилишда, улардаги мавжуд камчиликларни ижобий ҳал этишда ўз билим ва тажрибаларини ямади. Сайловчилар томонидан кўтарилган бир қанча муаммолар, мурожаатлар ва тақлифларни ўрганиб, жойида ҳал қилишга эришди.

O'zLiDePга қанот бўлаётган Арслон Қаландаровга ўхшаган фидойи инсонлар бугун қўлпаб топилади. Улар партияимизнинг сиёсий майдонда янада фаол иштирок этиши ҳамда Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги хизматларини изчил давом эттиришига ишончимиз комил.

Насиба ВАИСОВА,
O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши бўлим мудири



“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ

ОҲАНГАРОНДА O‘zLiDeP БОҒИ БАРПО ЭТИЛДИ

Мамлакатимиз ҳудудларида O‘zLiDeP ташкил топганининг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар давом этмоқда. Жумладан, Оҳангарон туманидаги маслакдошларимиз ҳам мазкур санани кенг нишонлаш мақсадида хайрли ташаббусни илгари суришди. Давлат хизматлари марказида фаолият юритувчи партия аъзолари Шахло Кўчимова раҳбарлигида бошланғич тузилманинг ишини янада жонлантиришга катта эътибор қаратишмоқда.



ҳар бир ниҳолнинг униб-ўсишида партиянинг ҳаётбахш ғоя ва мақсадлари рўёбга чиқишидек рамзий маъно борлиги диққатга сазовор.

Шу кунги мутасаддилар Оҳангарон тумани “Ўзбекистон” маҳалласида янгидан иш бошлаб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган партия фаоли Садокат Ашуралиеванинг хонадонида ҳам бўлишди. Бу ерда “Аёллар қаноти” вакиллари “Мумилк” номли кичик оилавий корхонанинг дастлабки ишлари, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга мослашган цех фаолияти билан яқиндан танишди.

Партия фаоли ўз тадбиркорлигини бошлашида унга маҳаллий ҳокимият идоралари яқиндан кўмаклашганидан миннатдор. “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси кўмагида сут маҳсулотларини қайта ишловчи асбоб-ускуналар хариди учун 200 миллион сумлик субсидия олишга эришди. Ўз хонадонида оиласи, фарзандлари бағридан узилмаган ҳолда фаолият юритиб, даромад топиш имконига эга бўлди. Шунинг баробарида маҳаллада истиқомат қилувчи уч нафар ишсиз хотин-қизни ҳам кичик корхонасига ишга олди. Бундан ташқари, қайта ишлашга яроқли, сифатли сут ва сут маҳсулотларининг аҳоли хонадонларидан йиғиб олинаётгани уларнинг ҳам уйда ўтириб, даромад топишларига сабаб бўлмоқда.

Бугун улар ишлаб чиқараётган сут, қаймоқ, сариеғ, қатиқ, сметана, айрон, tvorog кўринишидаги сут маҳсулотлари “Asmilk” бренди остида

маҳаллий бозорда ўз харидорларига эга бўлиб улгурди.

Ёш тадбиркор хонадонидagi кичик корхона, бу ерда хотин-қизларга яратилган меҳнат шароити, озодалик ва саранжомликнинг гувоҳи бўлган меҳмонлар Садокатга уйда ўтирган хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга ҳисса қўшаётгани учун алоҳида миннатдорлик билдиришди.

Тадбир иштирокчиларига юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар моҳиятини тарғиб қиларкан, аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни кичик бизнес, хунарамдчилик, касаначилик соҳаларига кенг жалб этиш, шунингдек, тажрибасини оммалаштириш, фермер хўжаликларида замонавий экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, чекка қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш юзасидан партия томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

O‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири Диёра Болтаева партия бундан кейин ҳам ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва маъкеидан қатъи назар, юртимиздаги хотин-қизларнинг энг яқин кўмакчиси бўлиб қолишини таъкидлади.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири



Ҳазораспнинг “яшил белбоғи” мустаҳкамми?

Юртдошларимиз турмушини янада яхшилашга хизмат қилувчи ислохотлар бажарилиши устидан доимий жамоатчилик ва депутатлик назорати олиб борилишига партиямиз вакиллари ғоят масъулият билан ёндашапти.

Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича давлат дастурининг экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар ижросини назорат қилиш, уларнинг бажарилишига кўмаклашиш бўйича ҳам O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида ишчи гуруҳ тuzилган.

Гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партиямиздан сайланган депутат Ботир Тўразода яқинда Ҳазорасп туманида бўлиб, шу йўналишда олиб борилаётган ишлар билан бевосита танишди, ташкилотлар масъул вакиллари ҳисоботини эшитди.

Тақсиротта мувофиқ туманда шу йил куз мавсумида жами 615 минг 100 туп манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экилиши мўлжалланган. Шу кунгача 574 минг 600 туп кўчат ўтқазилди.

Ток ва бошқа мевали дарахт кўчатлари асосан Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан олиб келинапти. Кўчатчилик билан шуғулланувчи маҳаллий тадбиркорлик субъектлари ҳам буюртмачиларга турли ниҳоллар етказиб бераптилар. Ниҳоллар йўл ёқалари, турли ташкилотлар ҳудудлари, фермер хўжаликлари ерларига ўтқазилляпти.

Туман ҳокимлиги томонидан 49 та маҳаллага 9 400 туп кўчат бепул тарқатилди. Шунингдек, Хоразм давлат ўрмон хўжалиги тумандаги 20 та мактабгача таълим ташкилотларига 2 210 туп, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги турли муассасаларга 2 400 туп кўчатни бепул топширди.

Атроф-муҳитга ўрта ва юқори даражада хавф туғдирувчи саноат корхоналари, хусусан, тумандаги “Иброҳим бобо” хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси, “Той-иржон Амирхон” МЧЖ, “Ҳазорасп

текстиль” МЧЖ ҳамда “Ҳазорасп йўллардан фойдаланиш” корхоналари ўз ҳудудлари атрофида “яшил белбоғ”лар барпо этдилар.

Албатта, кўчатларни қадаш билангина иш битмайди. Биринчи навбатда уларни ўз вақтида суғориш керак. Янги кўчатларга сув қуйиш тизимларини барпо қилиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилляпти, уларга асосан керакли маблағ миқдори белгиланяпти.

Партия ишчи гуруҳи аъзолари яшил ҳудудларни кўпайтириш ғоясини тарғиб қилиш, кўчат экиш бобида ўрнатилган мақсадда тумандаги умумтаълим мактаблари, маданият ва истироҳат боғи, Овшар маҳалласи ва бошқа жойларда уюштирилган кўчат экиш тадбирларида бевосита иштирок этишди.

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси ходими,
ишчи гуруҳ аъзоси

ТАШВИШ

ШАМОЛЛАШНИ ФАРМАЦЕВТ ЭМАС, МУТАХАССИС ШИФОКОР ДАВОЛАЙДИ!

Олтин фасл бўлиши КУЗ ўзининг қутилмаган “сюрприз”лари билан ҳаммамизни шошириб қўйди. Ҳатто синоптик-метеорологлар ҳам таҳмин-башорат қилолмаган ғаройиб об-ҳаво ҳукм суряпти, минтақамизда. Ўтган йили “аномал” совукдан зада бўлган юртдошларимизни бу йилги қиш қандай келиши ҳам қизиқтираётгани сир эмас. Совуқ кунлар арафасидаги ғалати ҳаво ҳарорати, яъни кунларнинг тўсатдан исиб кетаётгани катта ёшлилардан кўра кичик ёшдаги фарзандларимиз бошига кўпроқ ташвишлар келтирмоқда.

япти. Ана шундай чиқишлардан бири “daryo.uz” сайтида эълон қилинди.

Олий тоифали шифокор, лор оториноларинголог Саид Худойберганов сайт мухбирига берган интервьюсида шундай дейди:



– Ҳақиқатан ҳам, бир ойдирик, гўдаклар, ўсмирлар ва ёши катта инсонларда юқори нафас йўлларида ўткир яллиғланиш касаллиги билан жуда кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Бу вирусли ва бактериал касаллик бўлиб, кечини бўйича сурункали ёки ўткир бўлиши мумкин. Келаётган беморларнинг 90 фоизи юқори нафас йўлларидаги вирусли касаллиги: грипп ва грипп типидagi вирусли яллиғланиш ташкил этмоқда. Улар асосан, юқори тана ҳарорати билан шикоят қилиб келишмоқда. Бу юқори тана ҳароратининг тўсатдан кўтарилиб кетиши билан кечмоқда. Бундан ташқари, ҳолсизлик, бурун битиши белгилари кузатишмоқда.

Кўшимча, уйимизга энг яқин бўлган дорихонадаги сотувчининг маслаҳатлари билан эмас, томоқ ёки бурун ювиш муолажалари билан чекланиб қолмаслик лозим. Аксинча, шу соҳанинг эгаси бўлган мутахассисга бориш керак.

Лаборатория текширувларидан ўт-

ган ҳолда, касаллик вирусли яллиғланиши, бактериал касалликми ёки аллергиями — аниқлаб олиш керак. Бу беморни қай йўсинда тўғри даволашга кучли далил бўлади.

Нима учун урғу беряпманки, ҳар қандай вирусли касалликда қилиниши мумкин бўлмаган, ноқўя ҳолатларга олиб келиши мумкин бўлган дори воситалари бор. Жумладан, бирорта вирусли касалликда антибактериал дори воситалари ёки гормонал дори воситаларини қўллаш мумкин эмас.

Кўп ва самарасиз бериладиган вена ичига томчи дориларини ҳам қўллаш тавсия этилмайди. Бу нафақат касаллининг бошқа кўринишларини пайдо қилади, балки касаллиқнинг оғир кечишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, мутахассис шифокорнинг қўшимча қилишича, вақтида даво чораларини кўрмаслик юқори нафас йўлларидаги ҳиқилдоқ шиллиқ қавати, овоз бойламлари, нафас йўлларидаги магистрал бронхларнинг ўткир яллиғланиши, овоз бойламларининг ишиши ва нафас етишмовчилигига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бурун атрофидagi ёндош бўшлиқларнинг ўткир бактериал асоратигача бўлган оғир ҳолат кузатилиши эҳтимоли бор...

Касаллиқни яширган билан иситмаси ошқор қилиши бор гап. Шундай экан, ҳар қандай шароитда ҳам, ёши катта, кичик, барибир, биринчи навбатда мутахассис шифокор қабулига бориш шарт. Минг афсуски, ҳали ҳам орамизда тажрибали врачдан кўра дорихоначининг “тавсияси”га ишонадиганлар тоифаси кўпроқ. Дорихонача нима, у дорисини сотса бўлди, сизнинг соғлигингиздан кўра, унинг чўнтаги тўлса, шунча яхши-да. Соғлиқни эса пулга топиб бўлмаслигини унутмайлик!

Мухбиримиз

ОГОҲ БЎЛИНГ!



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

МИРОБОД ТУМАНИ ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БЎЛИМИ ОГОҲЛАНТИРАДИ!
УЙИНГИЗДАГИ БАРЧА ГАЗ АСБОБЛАРИНИ МУНТАЗАМ РАВИШДА
ТЕКШИРИШНИ УНУТМАНГ!



МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ
104 1050 101

ТОШКЕНТ ШАҲАР
ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ

Ўт балосидан асрасин

Қиш ойи совуқ об-ҳавоси билан мавсумга жиддий тайёргарлик қўриш кераклигини ҳам эслатиб туради. Йўқса совуқ қировли кунларда хонадонларнинг совиб кетиши туфайли аҳоли газ, қўлбола тайёрланган иситиш мосламаларидан фойдаланишга мажбур бўлади. Улар эса...

Халқимиз оловнинг тилсиз ёв эканлигини беҳиз қайта-қайта таъкидламайди. Назоратсиз қолдирилган олов эса албатта салбий оқибатларга олиб келиши кундай равшан. Кундалик оддий қоидаларга риоя қилмаслик оқибатидан тинчлик-осойишталикка путур етади, оиламиз, уй-жойимиз, яқин инсонларимиздан бир умрга айиради. Ўт балоси тили мулкнинг катта-кичигига қарамайди, у теккан жой борки, қулга айланиши мумкин.

Бундай ҳодисаларнинг содир бўлмаслиги учун, аввало, фуқароларнинг ўзи ҳушёр бўлишлари, ёнғин хавфсизлигига оид барча қоида ва талабларни бажаришлари,

фарзандларига ҳам бу борада ўрнатилган қоидаларни лозим.

Шундай экан, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилайлик, масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз жонимизни, давлатимиз ҳамда шахсий мулкимизни, атрофдагиларни офатдан асраган бўламиз.

Ёдингизда бўлсин, ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осонроқдир! Аксинча...

Нурбек НУРМОҲОВ,
Миробод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими инспектори, катта лейтенант

УЯЛИ ТЕЛЕФОННИНГ УЯСИ ҚАЕРДА?

СИРЛИ СЎЗЛАР ОЛАМИГА СЕҲРЛИ САЁҲАТ

Ҳар қандай тил сўзлари билан гўзал. Буюк шоиримиз Эркин Воҳидов ёзади: “Дунёнинг энг ажиб, энг сирли ва сеҳрли саёҳатларидан бири Сўз оламига саёҳатдир. Негаки, Сўз яратилишдан мўъжиза. Аввал Сўз бўлган, дейиладди муқаддас китобларда. ...Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг тағизга етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматида яшириниб ётар экан”.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, **бекат** сўзининг русча “остановка”нинг маъноси билан қандай боғлиқлиги бор? Ўзбек тилининг изоҳли лугати (ЎТИЛ)да келтирилишича, “**БЕКАТ 1 тар.** Қадимда йўлларда қаровонлар ва йўловчилар тўхтаб дам оладиган махсус жой, манзил. 2 тар. Почта станцияси. 3 йўловчиларнинг бирор транспорт тури (мас., автобус, трамвай ёки метро)га чиқиб ва ундан тушишлари учун белгиланган жой. 4 кўчма Ҳаётда босиб ўтиладиган йўлнинг маълум босқичи, марраси”.

Изоҳлар тушунарли, лекин тилимизда “бекат”нинг феъл шакли борми? Жавоб – йўқ. Тўғри, ЎТИЛда “бекламок” сўзи берилган, лекин унинг “бекитмок” маъносида қўлланиши кўрсатилган.

Қизиқ ҳолат: ҳозирги турк тилида “beklemek” феъли бор, “кутмок” дегани. Лекин унинг от шаклидаги “бекат” сўзи йўқ, ўрнига “dugađ” қўлланади (“*dugađ*”– “кутиб турмок” маъносидagi “*ditmak*” феълидан ясалган бўлиб, “кутиш жойи”, “манзил” дегани). Ўзбек тилида эса “бекламок” феъли мавжуд бўлмагани ҳолда, “бекат” от шакли мавжуд. Демак, бу сўз қадимги туркий тилдаги “бекламок” феълидан ясалган, фақат ўзбек тилида унинг феъл шакли умумистеъмолдан чиқиб кетган. Худди “ёзмок” феъли қадимда ғарбий туркий халқларга тааллуқли бўлиб, “битмок” феъли асосан шарқий туркий халқларга оид бўлгани сингари. Чунки ҳозирги турк тилида “битмок” феълининг ёзмок маъноси мавжуд эмас, балки *яранинг битиши, майсанинг битишини* ифодалаш учун қўлланади.

Тилимиз тараққиёти билан боғлиқ яна бир ҳолат: ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун биз сўзлашувда **уяли телефон** бирикмасини ишлатмаймиз? Ахир, йигирма йилдан буюн телевидение, радио бу сўзни айтавериш, газета ва журналлар эса ёзавериш чарчади-ку! Сабаби, халқимиз “уя” сўзининг телефонга нима алоқаси борлигини ҳазм қила олмайпти. Тилимизда мазкур бирикма русчадаги “сотовый телефон” сўзининг сўзма-сўз таржимаси ўлароқ пайдо бўлди. Уша даврда “сотовый” сўзининг русча-ўзбекча лугатдаги “арининг (асаларининг) уяси” маъноси олинди, “уяли телефон” бирикмаси ясалди. Билмадикки, тилининг асосий ҳаками – халқ, халқ қабул қилсагина сўз тилда яшайди, умри узок бўлади. Тил ҳеч қачон зўравонликни кўтармайди, у ҳам инсон сингари эркинликка ўрганган.

Эслайлик, бир мuddат “жумхурият”, “ноҳия”, “рўзнома”, “тайёра”, “тайёрағоч” каби сўзларни муомалага киритиш борасида роса тортишдик. Орадан чорак аср ўтиб тилимизда “республика”, “туман”, “газета”, “самолёт”, “аэропорт” сўзлари ҳеч қандай мажбурийликсиз ўз ўрнини эгаллади. Хўш, “сотовый телефон” борасида қандай йўл тутиш лозим эди? Бунинг йўли оддий. Сўз ўзлаштиришнинг асосий қоидаларидан бири – аслий тилдаги сўзнинг



маъносидан келиб чиққан ҳолда ўзлаштириб олинаётган тилда янги сўз ясаш. Бу телефон тури илгаригидек бир жойда турадиган (стационар) телефондан фарқли бўлиб, қўлда ёки чўнтакда олиб юриш мумкин эди. Шунинг учун ушбу моҳиятдан келиб чиқиб, уни “**қўл телефони**” ёки “**чўнтак телефони**” десак ва шуни расмий муомалага киритсак маъқул бўлар эди. Зотан, халқ тилида шу тарзда қўлланмокда ҳам.

Изданишларим асносида ҳеч бир қадимги ёзма манбаларда **ўқитувчи** сўзини учратмадим. Унинг ўрнида асосан *устоз, муаллим, мудarris, домла* каби сўзлар қўлланганининг гувоҳи бўлдим. Мактабда, институтда ўқиган вақтларимиз устозга “домла” деб мурожаат қилганимиз. “Домла” сўзи, рус тилшунос-тарихчиси Е.Поливановнинг ёзишича, араб тилида “ўқимишли, тақводор одам” маъносини ифодаловчи “мулла” сўзига хитой тилида “буюк”, “катта” маъносини англатувчи “до” олд қўшимчасини қўшиб орқали ўзбек тилида ясалган сўз бўлиб, “буюк устоз”, “буюк дошизманд”, “катта хурматга эга устоз” маъноларини билдиради, яъни *мавлано* дегани.

Таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг 60-йиллари “домла” деб мурожаат қилсак, баъзи устозларнинг жаҳли чиқиб: “Домла мачитда бўлади, мени домла деб қақирма”, дер эдилар. Биз эса хайрон, “Домла, мумкинми?”, “Домла, ташқарига чиқиб келсам майлими?” каби саволларни қандай ифодалашни билмасдик. Ўзингиз ўйлаб кўринг: “Ўқитувчи, мумкинми?” деб бўлмайди-ку! Биз томонларда (Қўқон теварак-атрофида) аёл устозларга нисбатан нима учундир ОПОЙ сўзи ишлатиларди. “Опой, мумкинми?” дер эдик. Эрақк муаллимларга нисбатан ДОМЛА сўзи қўлланган. Бизнинг даврларда ўқитувчига нисбатан мурожаатда УСТОЗ сўзи қўлланганини эслamayмиз. Тўғри, биз ўрта мактабда ўқиган пайтлари (ўтган асрнинг 60-70-йилла-

ри) ҳам “устоз” тилимизда мавжуд бўлган, лекин кўпроқ касб, хунар, илм борасида йўл-йўриқ кўрсатувчи уста ёки илмий раҳбарга нисбатан фаол қўлланган, деб ўйлайман.

У ҳолда “ўқитувчи” сўзи қандай ва қачон тилимизда муомалага кирди? Савол ўринли. Менимча, ўтган аср бошларида ҳозирги адабий тилимиз шаклланаётганда русчадаги “учитель” сўзига мурожаат қилинди – рус тилидаги “учить” ўзбекчада “ўқитмок” бўлгани боис ундан “ўқитувчи” – яп-янги сўз туғилди. Дастлабки вақтларда “ўқитғучи” шаклида ҳам қўллангани маълум. Шу тариқа бугунги кунимизда ҳам **ўқитувчи** сўзи кенг фаолиятда.

Мен улғайгунга қадар ёки мактабни битириб, Тошкентга ўқишга келгунимча “чўмилмок” феълини сўзлашувда ишлатмаганимиз. Унинг ўрнида ҳар доим “**хўпитмок**” дердик. Болалигимизда ҳам биз “хўпитишга борар эдик, соатлаб хўпитар эдик, то баданимиз ранги ўзгаргунча...” Яқин-яқингача, нега хўпитмок деган эканмиз, деб кўп ўйлардим. Бу сўзнинг чўмилишга қандай алоқаси борки, биз томонларда хўпитмок қўлланган, деб ўзимга ўзим савол берардим. Ўзбек тили бўйича яратилган ҳар икки изоҳли лугатни ҳам, имло лугатларини ҳам қарадим, афсуски, бу сўзнинг ўзи ҳам, изоҳи ҳам учрамади. Яқинда бу саволга жавобни Маҳмуд Кошғарийдан топдим.

Фаолиятимда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарига кўп маротаба мурожаат қилганман (*ушбу китобнинг уч жилди ҳамда “Индекс”ини устозим, педагогика фанлари доктори, профессор Мунаввар Тўхтаўжаева ҳада қилган эдилар, оладан бир умр миннатдорман*). Илгарилари яхши эътибор бермаган эканманми, яқинда жуда катта бойлик топиб олгандек сезиниб кетдим. Китобнинг 1-жилдига таржимон ва нашрга тайёрловчи филология фанлари доктори С.Муталибов томонидан ёзилган “ХI асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари”

сарлавҳали кириш сўзида хўпитмок ҳақидаги маълумотни ўқиб қолдим: “Маҳмуд Кошғарий тил фактлари устида узок ва чидамли текишириш натижасида тилда ҳарф тушиш, алмашиниш, сингиш каби қоида борлигини биринчи марта аниқлади, бу масалаларда қоидалар тузди ва ўз асарида, ўрни келганда, бу хусусиятларни кўрсата борди. Тилда фонетик қоидалар тил тараққиёти қоидаига мувофиқ турли ўзгаришларга учраган сўзлар тарихини ўрганиш, сўз этимологиясини аниқлашда бениҳоя муҳимдир. Масалан, хўллаб *ичмок* маъносидagi сўзнинг Қўқон шевасидagi-на хўпитмок – *чўмилмок* сўзида қолганини кўраимиз, холос. Шу ҳолда бу сўзнинг этимологиясини товуш ўзгариш қоидаси асосидagiна аниқлаш мумкин. “Девону луғотит турк”да ўпмок сўзининг икки маъноси бўлгани изоҳланган: 1 – ўпмок (III т., 87-б.). 2 – *ичмок* (III т., 87-б.).

Лекин бу сўзнинг иккинчи маъноси истеъмолдан чиққан. Кўпдан бизда фақат биринчи маънодагина қўлланади. Бу сўзнинг иккинчи маъноси фақат хўлламок, хўпитмок сўзларидагина сақланиб қолган, демак, **хўлламок** сўзнинг асли **ўлламок**дир. Бизгача сўз олдида бир ҳарф орттирилган формада ўзгариб етиб келган. Маҳмуд Кошғарий ёзганидек, “...х товуши ҳинд халқи билан аралашшиш натижасида тилга кирган товушдир (Қаранг: *Девон, I т., 9-б.*)”. Бунда мен иккинчи саволга ҳам жавоб олдим: бу маълумотлар ўзбек тилидаги **ҳовуч, ҳовли, хўкиз** каби сўзлар нега турк тилида “**х**” товушисиз, яъни **авус, авлу, okuz** каби шаклларда ёзилади ва талаффуз қилинади, деган масалага ойдинлик киритди.

Мустақиллик йилларида туркларнинг сеvimли **döner** таоми билан бирга айни шу сўз ҳам тилимизга кириб келди. Лекин биз уни баъзида *данар*, баъзида *дўнар* шаклида ёзayмиз ҳамда талаффуз қилмокдамиз. Қайси бири тўғри? Бу сўз бизга мутлақо нотанишми? Таом номининг турк тилидаги феъл шакли *dönpök* бўлиб, *айланмок, қайтмок* маъноларини ифодалайди. Луғатларга қарасак, мазкур сўзнинг тилимизда мавжуд бўлганини кўраимиз. Масалан, ЎТИЛда *дўнмок* феълига қўйидагича изоҳ берилган: “**ДЎНМОҚ** эск. 1 *Айланмок, ўхшамок; Қайтмок, тикланмок, ўзгармок*” (1-жилд, 675-саҳифа). Тўғри, луғатда ҳам кўрсатилганидек, бу сўз эскирган, лекин шеваларимизда яшамокда. Аслида, мазкур таомнинг тайёрланиш ҳолатига қарасангиз, айлантириб-айлантириб пиширилади. Шунинг учун ҳам қардошларимиз дўнар дейишган.

Болалик пайтларимизда бир ўйинимиз бўларди, ҳозир деярли унутилган кўринади. Уйининг номини кимдир *дандирак*, кимдир *дундирак* дерди. Тўғриси, менимча, *дундирак*. Чунки қамчига ўхшатиб учига чилвир боғланган калтак воситасида учига соққа (золдир) ёки мих қоқиб, ёғочдан тайёрланган кичкина думалок ёўлача уриб айлантириларди. Куз ва баҳор ойларида хўп ўйнар эдик. Демак, *дўндирак* сўзи ҳам худди турк тилидаги сингари тилимиздаги *дўнмок* (айланмок) феълидан ясалган. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2021 йил 12 ноябрдаги сонидa сеvimли шоиримиз Фахриёрнинг шеърлари “Ҳар япроғи тилгога дўнган” сарлавҳаси остида босилди. Айни мисрадаги “дўнган” сўзида ҳам “айланган” маъноси ётади. Демак, ўзбек шеъриятида ушбу сўз яшамокда. Шунинг учун ҳам мазкур турк таомини дўнар десак ҳамда ёзсак бўлаверади.

Иброҳимжон ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси
маркази директори ўринбосари,
филология фанлари доктори, профессор

Йигирма йилча олдин, талабалик пайтларим, интернет дунёни яхшироқ жойга айлантиришига ишонардим. Биринчи курслигимда илк бор электрон почта очганимда бир неча сонияда бировга мактуб юбориш мумкинлигидан чиндан ҳайратда эдим (ҳозир ҳеч ким хайрон қолмайди). 2005 йили Манчестерда юнон курсдошим Адам “Facebook деган сайт чиқибди” деб, менга тақлифнома юборгани – у пайтлар аъзо бўлиш учун университет электрон почтаси керак бўларди. Googlening Gmail почтасига ҳам тақлифнома орқали аъзо бўлинарди – ўшандан бери шу почтани ишлатиб келаман.

У йилларда кимдир менга “Бир кун келиб ана шу ўзгаришлар дунёни тарқоқликка етаклайди, одамларда бир-бирига нисбатан нафрат уйғотади ҳали” деганида, ишонмаган бўлардим. Интернетга, унинг ёрдамида яратиладиган порлоқ ва қизиқарли келажакка ишонардим.

Йиллар ўтиб, ижтимоий тармоқларга аъзолик кенгая борди. Бошида фақат университет талабаларини ўзида йиққан Facebook кейинчалик аъзолигини ҳаммага очди. 2010 йиллари унинг аъзолари сони кун сайин ортиб, олдин 100 миллионга етди, кейин 1 миллиардга чиқди, ҳозирда эса салкам 3 миллиардга бориб қолган.

Ўзим 2018 йили Facebookдан фойдаланмай қўйдим: Брекситга ва Трамп сайланишига қўшган ҳиссаси сабаб, “Кембриж Аналитика” иши ва умуман сайтда кўпайиб кет-

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ДУНЁНИ ЯХШИРОҚ ЖОЙГА АЙЛАНТИРДИМИ?

ган негативдан узокроқ бўлгим келганди. Мен мунтазам ишлатмай қўйган вақт ичидa асосан ёшларни ўзига жалб қилган Facebook ёши катталарни ҳам қамраб олиб, монопол сиёсий майдонга айланиб улгурди. Унинг таъсирини шу йил ёзда Ватанга борганимда курган суҳбатларимдан сездим. Бундан жуда хайрон қолдим.

Google ҳам охириги ўн йилда ўз соҳасида буткул монополияга эришди, деса бўлади. Турли йўналишларда ўзини синаб кўриб, бирорта бўлими интернет қидируви ва YouTubeчалик муваффақиятли бўлмаслигини тушунди, шекилли, тинчгина реклама маблағларини ййғиб яшашга кўникди. Қисқаси, охириги йилларда на Facebook, на Google бирорта катта янглик яратмади. Яратишнинг кераги ҳам йўқдек.

Назаримда, Facebook ёки Twitterга ўхшаш тармоқларнинг асосий янглиги аллақачон яратиб бўлинган. Бу фойдаланувчиларда кучли хис-туйғулар уйғотадиган контентни уларга кўпроқ етакчи берадиган алгоритмларда. Айниқса, Facebook ана шу нарса устига қурилган, фойдаланувчида қанчалик ғазаб, ҳасад, нафрат ва шунга ўхшаш салбий реакция яратолса, шунчалик аъзолари сони ва иштироки кўпаяверади. Хис-туйғуга берилган фойдаланувчилар ақлни ўчириб қўйиб, телефонга тикилиб, вақт қандай ўтганини билмай, дунёдан беҳабар яшаб ўтиб кетаверади. Албатта, бу гап нафақат Facebook, балки барча ижтимоий тармоқларга тегишли.



Шу боис ижтимоий тармоқларнинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлган фазага аллақачон ўтиб бўлди, деб ҳисоблайман. Улар одамларни иложи борича бевосита мулоқотдан узоклаштиришга улгуришди. Одам одамни

кўпроқ телефони орқали кўрадиган бўлди. Натижада одам одам ҳақида, баъзида бутун гуруҳ ва миллатлар тўғрисида хулосани айнан Facebook ва Twitter кўзойнаги орқали қиладиган бўлди.

Бу эса нафақат зарарли, балки қайсидир маънода хавфли ҳамдир. Дунёқараши тор, таълими оқсаган, хис-туйғуга осон бериладиган инсонлар бунинг таъсирда салбий эмоциялар тўрига тушиши тайин. Аммо билимли, тушунчага эга, ҳатто зиёли одамлар ҳам бу тинимсиз ахборот оқими остида қирқоқни тополмай қоляпти.

Айтишнингиз мумкин, ахборот монополияси, дезинформация олдин бўлмаганми, деб. Совет Иттифоқини бошдан кечирган миллат сифатида бизга бу нарсалар яхши таниш. Аммо ҳозирги замоннинг фарқи шундаки, тарихда ҳали ҳеч бир нуқтада ахборот ҳеч қачон шунча одамнинг қўли, кўзи ва онига бу қадар тез етиб бормаган. Унинг устига, бу ахборот аксар вазиятларда салбий реакция чақиршига қаратилган бўлса, бир вақтда шунча одамнинг онгида ақлга сиғмас ўзгаришлар уйғотиши тайин.

Хўш, сизнингча ижтимоий тармоқлар дунёни яхши жойга айлантира олдимиз? Ё аксинча, уни жар ёқасига яқинлаштирмакдими?

Шерзод МЎМИНОВ,
Шарқий Англия университети профессори
@profshezod

МУAUSSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел.факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1145

Адади: 9145
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:20

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.



НАШР КЎРСАТИКИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Озод РАҲАБОВ